

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



**ГЕОГРАФИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ
ЁШЛАР НИГОХИДА:
КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА**

Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг
республика илмий-амалий конференцияси
материаллари

Тошкент, 6-8-май 2008 йил

Тошкент - 2008

сервис соҳасини ривожлантириши жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги карорининг ижросини таъминлаш ушбу соҳа имкониятларини кенгайтириши на унинг миллий иқтисодиётимизга қўшадиган хиссасини ошириш имконини беради. Бугунги кунда мамлакатимиз туризм соҳаси янги иш ўринларини ташкил этишида етакчи ўринлардан бирини эгалайди, ушбу йўналишида кўплаб кичик ва хусусий корхоналар фаолият олиб бормоқда. 1992 йилдан буён ушбу соҳада хизмат кўрсатанинг 10 бараварга ошиди. Нафакат нойтаҳтимиз, балки республикамиз вилоятларида ҳам ҳалқаро тоифадаги кўплаб меҳмонхоналар барпо этилоқда, янги авиа, темир йўл ва автомобилий йўналишилари йулга қўйилмоқда ва сервис ҳамда хизмат кўрсатишнинг сифати ошмоқда. Ҳозирга келиб республикамизга келаётган туристлар сони йил сайнин ошиб бормоқда. Бундан кўриниб турибидики ҳорижда юртимизга бўлган кизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу нафакат улкан маданий ва тарихий меросимиз, ноёб ва бетакрор табиатимиз билан бирга истиклол йиллари мамлакатимизда эринилган ютуқлар билан ҳам боғлиқдир. Мамлакатимиз Буюк Ишак йўли устида жойланган, ҳамда Ўзбекистон худудида 4 мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг бир кисми YUNESKOning Бутунжоҳон маданий ёдгорликлар рўйхатига киритилган. Республикашим Президенти ташабуси билан сўнги йилларда кўплаб тарихий ёдгорликлар кайта тамирланиб, сањъат ва ҳалқ ижодиётининг анъанавий турларини қайта тиклаш ва ривожлантириши учун шарт-шароит яратилмоқда.

Ҳозир вакидга республикамизда туризм имкониятларидан тўлик фойдаланилмаётганини сабабли бу соҳадаги олиб борилаётган ишлар иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқлари кўрсаткичларидан анча оркададир.

Республикамизда туризмни иқтисодиётнинг асосий тармоғи сифагида ривожлантириш учун барча худудлардаги туристик обьектларни илмий жихатдан ўрганишини талаб килади. Вилоятлардаги тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, диний қадамжолар, зиёратгоҳлар ва рекреация ресурслари, дам олиш, согломлаштириш маскаллари, экотуристик объектларни илмий жихатдан тўлик ўрганилиб, вилоятлар бўйича маҳсус туристик атласлар яратилини лозим. Масалан, Ҳоразм, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа вилоятлар. Атласларда туристик обьектлар тўғрисида тўлик маълумот берилиш мумкин. Самарқанд вилояти ўзининг бетакрор табиати ва тарихий ёдгорликлари билан республикамизда алоҳида ўрин тутади. Бу эса ушбу худудга бўлган кизиқишини кучли эканлигини билдиради. Бундай атласлардан бизнингча дастгаб Самарқанд вилояти атласини яратишдан бошлиши керак.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА «ДИНИЙ ТУРИЗМ» НИНГ АҲАМИЯТИ

Усманов М.
Самарқанд Давлат университети

Мамлакатимиз миллий ва минтақавий иқтисодиётини ривожлантириша ҳалқаро туризмни истиқболи ҳамда аҳамияти бекиёсdir. Дарҳакиат ўзбекистонда ҳозирги кунда яратилаётган ялни ички маҳсулот ишлаб чиқарниш бевосита иқтисодиётининг анъанавий тармоқлари, хусусан саноат, кишилек

хўжалиги, транспорт кабилар хиссасига тўгри келмоқда Бирок, истиқбозда миллий иктисадиётнинг энг сердаромад соҳаларидан бирни ҳалкаро туризмни ривожлантиришинг аҳамияти катта. Бунинг учун мустакилликни дастлабки йилларидан бўён бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, ҳар йили Тоникент шаҳрида ҳалкаро туристик ярмарка мувоффакиятли ўтказилиб келинмоқда. Хусусан 2007 йил 17-18 октябрда «Буюк ишак йўлида туризм» мавзуусидаги XIII-ашъянаний ҳалкаро туристик ярмаркада 30 та давлатдан келган 80 дан ортиқ фирма ва компаниялар, хусусан Россия, Саудия Арабистони, Малайзия, Эрон, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Хиндистон каби давлатлар иштироки мухим ўрин тутади.

Ушбу ярмарканинг асосий мақсади Ўзбекистонда туризм имкониятлари на салоҳияти билан таниши, соҳада ўзаро ҳамкорликни йўлга кўйиш, шартномалар тузиш имкониятини яратишдан иборатdir. Бундан ташкари, миллий ва ҳалкаро туристик ташкилотлар, меҳмонхона ва ресторандар, музейлар, банк, сугурута корхоналари иштирок этди. Мъалумотларга кўра кейинги 5 йил ичидаги Ўзбекистонда 17 та йирик ва ўрта, ҳамда 30 дан ортиқ хусусий меҳмонхоналар ишга туширилиши тармоқнинг жадал ривожланастаганинидан даюлат беради. 2007 йилда жами 175 та меҳмонхонашар 20 мини сайёхларни кабул килиши имкониятига эга бўлди. Бунда туризм ривожланган АҚШ, Буюк Британия, Хиндистон ва Малайзия давлатлари каби ҳалкаро ҳамкорларининг хиссаси кўшилган. 2010 йилгача яна 56 та меҳмонхоналар қурилиши режалаштирилган булиб 2 мингдан ортиқ олий мъалумотли мутахассислар тайёрланади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда диний туризмнинг аҳамияти катта бўлиб, уни ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида ётибор берилмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан кўплаб диний кадамжолар кайта курилиши, сайёхлар ва зиёратчиilar учун кулай шароит яратилимоқда. Ислом дунёсида мъалум ва машҳур олимум- фузолалар, Ислом дини ривожланишига улкан хисса кўпшаган инсонлар кабрларини зиерат этишига кизиқиши ўйларини ошиб бормоқда. Жумладан, 2007 йилда Тоникент шаҳрини ислом маданияти маркази сифатида ислом дунёсининг ётирофи бунинг небогтинир.

Ўзбекистоннинг шаҳар ва кишилекларида кўплаб зиёратгоҳлар мажуд бўлиб, уларни диний сайёхлик маршурутларига киритиш лозим. Бунинг учун географик тадқикодларга таяниш, карталаштириш мақсадига мувофиқидир.

Хулоса ўринада такидаш жоизки, минтакаларда диний туризмни ривожлантириш учун куйидагиларга ётибор каратиш катта аҳамиятга ирадир: Ҳулудларда диний кадамжоларни аниқлаш ва уларни кайта таъмириш; Диний кадамжоларни ҳар бир вилоят бўйича харитасини ишлаб чиқиши; Ислом динига ўтиқод килалигини давлатлар туристик фирма ва компаниялари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш; Ислом дунёсидан келадиган туристлар учун шарт – шароитлар яратиш; Маҳаллий туризмни ташкил этиши ва ривожлантиришда зиёратчиilar талабини ўрганиш; Диний туризмни ривожлантириш учун хорижий давлатларда рекламага жиддий ётибор каратиш ва бошқалар.